

2021-2022 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади



14:30 / 28.05.2021 20061

2021-2022 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича ўтказиш режа қилинмоқда:

Тошкент ислом институти ва Мир Араб олий мадрасасига:

- Фикҳ ва ақоид (тест синови) 30 X 3,1 – 93 балл;
- Араб тили (оғзаки, ижодий имтиҳон) 30 X 2,1 – 63 балл;
- Ўзбекистон тарихи (тест синови) 30 X 1,1 – 33 балл.

Ҳадис илми мактабига:

- Ҳадис ва Мусталаҳул ҳадис (оғзаки, ижодий имтиҳон) 30 X 3,1 – 93 балл;
- Араб тили (оғзаки, ижодий имтиҳон) 30 X 2,1 – 63 балл;
- Ўзбекистон тарихи (тест синови) 30 X 1,1 – 33 балл.

Ўрта махсус диний таълим муассасаларига:

- Хорижий тил (тест синови) 30 X 3,1 – 93 балл;
- Тарих (тест синови) 30 X 2,1 – 63 балл;
- Маънавият ва маърифат (тест синови) 30 X 1,1 – 33 балл.

Маълумот учун, ўтган йили юртимизда пандемия сабаб Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида қабул имтиҳонлари 3 та фандан иккитага қисқартирилган эди. Унга кўра Тошкент ислом институти ва Мир Араб олий мадрасасига кириш учун “Ўзбекистон тарихи” ва “Фикҳ ва ақоид” фанлари, Ҳадис илми мактабида “Ўзбекистон тарихи” ва “Ҳадис ва Мусталаҳул ҳадис” фанларидан, шунингдек, ўрта махсус ислом таълим муассасаларига “Тарих” ва “Хорижий тил” бўйича тест синовлари ўтказилган эди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Таълим ва илмий-тадқиқотлар бўлими